ЭКЗЕМПЛЯР Ф.Б. САГУ читального зала

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАРСОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 224 (1228)
14 НОЯБРЬ ЖУМА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Хоразм области пахта тайёрлаш планини бажарди

Область меҳнаткашлари барча совет кишилари каби партиямизнинг навбатдан ташқари XXI съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, катта ғалабага эришдилар. Пахта тайёрлаш давлат плани муддатидан илгари — 13 ноябрда муваффақиятли бажарилди. Ҳозиргача давлатга 220 минг тонна, ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 17 минг тонна кўп пахта топширилди. Тайёрланган ҳосилнинг 80 процентидан кўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди.

Пахта етиштириш асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайди. Ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш учун курашган область пахтакорлари 97 минг 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 22,5 центнердан пахта топширдилар.

Область меҳнаткашлари пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1958 йил 12 ноябрда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитетнинг Пленуми қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

1. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида „СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари“ ҳақида қиладиган доклади тезисларининг проекти.

2. Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида.

Марказий Комитет Пленуми тегишли қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар бугун эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. И. Беляев Қозоғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан Марказий Комитет Пленуми ўртоқ Н. И. Беляевни КПСС Марказий Комитети секретари вазифасидан озод қилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1958 йил 12 ноябрда қабул қилган қарори

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида „СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари“ ҳақида қиладиган доклади тезисларининг проекти

1. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақида қиладиган доклади тезисларининг проекти маъқуллансин.

2. Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезислари матбуотда эълон этилсин ва бу тезислар мамлакатда съезд олдидан кенг муҳокама қилинсин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1958 йил 12 ноябрда қабул қилган қарори

Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги масала юзасидан тезислар проекти

1. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги тезислари проекти маъқуллансин.

2. Тезислар проекти умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинсин.

3. Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги масала СССР Олий Совети муҳокамасига қўйилсин.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари

(КПССнинг XXI съездида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ қиладиган докладнинг тезислари)

Мамлакатимиз халқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошираборib, янги тарихий ғалабаларга эришдилар. Совет халқи партиянинг XXI съездини саноатда, қишлоқ хўжалигида, фан ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтиришда жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Совет давлатининг халқаро муносабатлардаги, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашдаги роли ва обрўйи тағин ҳам кўпроқ ошди. Улуғ Ватанимиз ўзининг ижодий кучлари барқ уриб тўлиб-тошган даврда турибди, коммунизм йўлида шаҳдам қадам ташлаб ишонч билан олға бормоқда.

Ўз Коммунистик партияси атрофида жипслашган совет халқи шундай чўққиларга эришди, шундай жуда катта ўзгаришлар қиллики, булар мамлакатимизнинг ўз тараққиётининг энди энг муҳим янги даврига — коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврига қадам қўйишига имконият беради. Коммунизмнинг моддий техника базасини ҳар томонлама вужудга келтириш, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлаш ва шу билан бир вақтда совет халқининг ўсиб бораётган моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш вазифалари шу даврнинг асосий вазифалари бўлади. Бу эса капиталистик дунё билан бўлаётган мусобақанинг ҳал қилувчи босқичи бўладики, бу босқичда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва ўзиб кетишдан иборат тарихий вазифа амалда бажарилиши лозим. Коммунистик партия, бутун совет халқи бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилишига тўла равишда аминдирлар.

Биздаги бор ресурслар ва имкониятларнинг ҳаммасидан тўлароқ фойдаланиш, мамлакатимиз олдида турган тарихий вазифаларни қиска муддатларда бажариш учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Госпланига партия XX съездининг қарорларига, Партия ва Ҳукуматнинг кейинги қарорларига асосланиб, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари проектини Совет Иттифоқининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг Коммунистик партия томонидан якин 15 йилга мўлжалланган ва СССР Олий Советининг 1957 йил 6 ноябрдаги Юбилей сессиясида баён қилинган программасига мувофиқ ишлаб чиқишни топширдилар.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш, бу съездда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларини кўриб чиқишни зарур деб топди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган ва иттифоқчи республикалар Министрлар Советларининг, министрликлар ва бошқармаларнинг, Фанлар академиясининг ва бошқа илмий муассасаларнинг бевосита иштироки билан СССР Госплани томонидан тайёрланган контроль рақамлари проектини съезд муҳокамасига киритадилар. Ўз навбатида, иттифоқчи республикаларда тайёрланган таклифлар корхоналар ва қурилишлар томонидан тақдим этилиб, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари актив иштирок билан ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимларнинг жуда кўп таклифларини ўз ичига олган, материалларнинг халқ хўжалик кенгашларида умумлаштирилган лойиҳаларига асосланиб тайёрланди.

Шундай қилиб съезд муҳокамасига тақдим қилинадиган контроль рақамлар проекти партия, совет, планлаштирувчи ва хўжалик органларимиз томонидан қилинган катта ва ҳар томонлама ишларнинг натижасидир, кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан қилинган жуда катта ижодий ишнинг натижасидир. Бу эса социалистик халқ хўжалигини бошқаришнинг муҳим принципи бўлган ва бутун халқнинг жонажон иши бўлган социалистик планлаштиришнинг моҳиятига мос бўлиб тушади.

Коммунистик партия марксизм-ленинизмнинг ижтимоий тараққиёт конуниятлари тўғрисидаги асосий қоидаларига асосланиб, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий активлигига ва ташаббускорлигига таянган ишлаётганлиги ва халқ хўжалигининг давлат планларида социализм ва коммунизм қурилишининг асосий масалаларини ҳамда шу масалаларни ҳал қилиш йўлларини тўғри белгилаб бераётганлиги туфайли Совет давлатини ва унинг экономикасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг улуғвор вазифалари социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида муваффақиятли равишда ҳал қилиниб келди ва ҳал қилинмоқда.

СССРда социализм қуришнинг тарихий тажрибаси экономикани социалистик негизларда муваффақиятли равишда қайта қурмоқ учун узоқ муддатга мўлжалланган яхлит давлат планлари бўлиши зарурлигини яққол кўрсатди.

Социалистик хўжаликни планлаштиришнинг доҳиёна идеяларини илгари сурган ва социалистик планлаштиришнинг асосий принципларини ишлаб чиққан В. И. Ленин халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи перспектив планининг, илмий равишда чуқур асосланган Россияни электрлаштириш планининг — машҳур Гоэлро планининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш вазифаларини Ленин ўзининг машҳур кооператив планида ишлаб чиқди.

Коммунистик партия халқ хўжалигини планлаштиришнинг ленинча идеяларини беш йиллик планларга асос қилиб олди, бу планларнинг муваффақиятли равишда амалга оширилиши экономикани тез суръатлар билан ривожлантиришни ва мамлакатимизни қиска муддат ичида қудратли социалистик индустриал-колхоз давлатига айлантиришни таъминлади. СССРда халқ хўжалигини давлат планлари асосида жадал ривожлантиришнинг бу жуда бой тажрибаси халқаро миқёсда эътироф қилинди.

Совет Иттифоқи халқ хўжалиги ўз тараққиётининг янги босқичида турган ҳозирги замон шароитида Коммунистик партия ўзининг XX съездида тағин ҳам узоқроқ муддатга мўлжалланган перспектив планини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. СССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланган сессиясида бу планнинг асосий йўналишлари ва вазифалари баён қилиб берилди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг якин 15 йилга мўлжалланган перспективасида шу нарса кўзда тутиладики, бу давр ичида СССР саноатининг ҳал қилувчи тармоқлари ўз маҳсулотини 2-3 баравардан зиёдроқ кўпайтириши керак. Шу билан бирга 1957 йилдагига нисбатан темир-руда қазиб чиқариш тахминан 3,5 баравар, нефть чиқариш 4 баравар, газ чиқариб олиш ва ишлаб чиқариш 13-15 баравар, чўян ва пўлат ишлаб чиқариш 2,3 баравар, электр қуввати ишлаб чиқариш 4,3 баравар, цемент ишлаб чиқариш 4 баравар кўпаяди ва ҳоказо. Қишлоқ хўжалиги соҳасида унинг ҳамма тармоқларини янада кенг миқёсда юксалтириш кўзда тутилади. Бу эса маҳсулотларнинг мўл-кўл бўлишини ва совет кишиларининг ҳаётий эҳтиёжларини тўла қондиришни таъминлайди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг якин 15 йилга мўлжалланган перспектив плани СССРда коммунизм қуришнинг иқтисодий программасидир.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган ва КПСС XXI съезди муҳокамасига тақдим қилинадиган контроль рақамлари шу перспектив планнинг таркибий қисмидир. 15 йилга мўлжалланган программанинг анча қисми 1959-1965 йиллардаги давр ичида бажарилади.

Халқ хўжалигини коммунизм йўлида жадал ривожлантириш проблемаси, социализмнинг капитализм билан бўлаётган тинч иқтисодий мусобақасида вақтни энг кўп ютиш проблемаси олдимизда турган етти йиллик планнинг туб проблемасидир.

Ривожлантириш суръатларидаги устунлик социалистик хўжалик системасининг ҳамиша ҳал қилувчи устунлиги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Биз саноат ишлаб чиқаришнинг 1913 йилдаги даражасини тиклаб халқ хўжалигини тубдан реконструкция қилишга киришган, биринчи беш йиллик планни амалга ошира бошлаган вақтимизда Совет Иттифоқи энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан тахминан 50-100 йил орқада қолиб келмоқда эди. Ўн-ўн икки йил ичида бизнинг мамлакатимиз асрий колоқликни бартараф қилиб, қолоқликдан тараққиётга сакради ва ўзининг буюк ғалабаларини, эркинлигини ва мустақиллигини, қаттиқ туриб сақлаб қолишга лаёқатли қудратли социалистик давлатга айланди.

СССР халқ хўжалигига иккинчи жаҳон уруши вақтида жуда катта зарар етказилганлигига қарамай, Совет Иттифоқи Ватан уруши тамом бўлганидан кейин тахминан икки ярим йил ичида саноат ишлаб чиқаришининг урушга қадар бўлган 1940 йилги даражасини тиклаб олди, кейинги ўн йил ичида эса бу даражадан тўрт баравардан зиёдроқ ошиб кетди.

Олдимизда турган етти йил мобайнида СССР халқ хўжалиги ва аввало унинг асоси бўлган оғир индустрия аввалгидек бу сафар ҳам капиталистик мамлакатлар, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари экономикасининг ривожланиш суръатларидан кўп марта ошиб тушадиган суръатлар билан ривожлантирилади. Биз социалистик экономикани коммунизм сари ривожлантириш йўлида унинг тағин ҳам юқори сифат ҳолатига яна сакраб ўтишимиз, халқнинг фаровонлигини тағин ҳам юксалтирмоқ учун Совет Иттифоқининг иқтисодий потенциалини анча оширишимиз керак бўлади. Етти йиллик планнинг КПССнинг навбатдан ташқари XXI съезди муҳокамасига қўйиладиган топшириқлари ҳам мана шу улуғ тарихий мақсадга бўйсундирилгандир.

Етти йиллик план тараққиёт йўлида ривожланиб бораётган халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги чуқур сифат ўзгаришларига асосланади. Бу эса халқ хўжалигини тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантиришнигина таъминлаб қолмасдан, шу билан бирга саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардагига нисбатан тағин ҳам юксак даражада абсолют миқдорда ўстиришга имкон беради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг барқ уриб ривожланиши туфайли олдимизда турган етти йил ичида халқнинг турмуш даражасини анча ошириш ва мамлакатда «...жамиятнинг **барча** аъзоларининг **тўла** фаровонлиги ва **ҳар томонлама** эркин ривожланишини таъмин этиш» (В. И. Ленин. Асарлар, 6 том, 43 бет) учун зарур бўлган даражада моддий неъматларни мўл-кўл қиладиган шарт-шароит вужудга келтириш вазифаси ҳал қилинади.

Якин 15 йил ичида СССР ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жиҳатидангина эмас, шу билан бирга аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам жаҳонда биринчи ўринга ўтиб олади, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базаси вужудга келтирилади, бу эса шу билан бирликда Совет Иттифоқининг энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар билан тинч иқтисодий мусобақада қозонган буюк ғалабаси бўлади.

Бизнинг партиямиз, бутун совет халқи, коммунистик жамият қуришда ўз олдиларига жуда катта янги вазифаларни қўяр экаплар, бу вазифаларни бажаришда марксизм-ленинизм назариясини, илмий коммунизмнинг асосий принципларини амалга ошириш натижасида эришилган жаҳоншумул тарихий ғалабаларга таянадилар.

I. СССРда хўжалик ва маданий қурилишнинг баъзи якунлари

1. Совет халқи мамлакатимизда социализм қуришнинг ленинча планига, В. И. Ленининг мамлакат экономикасини юксалтириш базаси бўлган оғир индустрияни илдам ривожлантириш тўғрисидаги таълимотига амал қилиб ва социалистик хўжалик системасининг афзалликларидан фойдаланиб, Коммунистик партия раҳбарлигида экономикани ва маданиятни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини ўстиришда буюк ғалабаларга эришди.

Мамлакатни индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, эксплуататор синфларни тугатиш ва маданий революция ўтказиш натижасида Совет Иттифоқида социализм ғалаба қилди ва аста-секин коммунизмга ўтиш муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда биринчи социалистик давлат қуриш ишлари ғоят қийин шароитда олиб борилди. Халқаро империализм СССРда социализм қуришни қурол кучи билан бузишга неча марталаб ғиринг кўрди. Совет ҳокимияти вужудга келгандан бери ўтган 41 йил ичида совет халқи шу даврнинг ярмидан сал кўпроғинигина тинч меҳнат қилиш билан ўтказди, чунки йигирма йилга якин вақт урушлар билан ва ундан кейинги даврлар вайрон қилинган хўжаликни тиклаш билан ўтди. Совет тузумининг буюк ҳаётий кучи шу нарсада ўзини яққол кўрсатдики, совет халқи ўз йўлидаги ҳамма қийинчиликларни ва тўсиқларни енгиб, қудратли ва яшнаб турган социалистик экономикани вужудга келтирди.

Эндиликда Совет Иттифоқининг бақувват, ҳар томонлама ривожланган саноати, транспорти, юксак даражада машиналашган социалистик қишлоқ хўжалиги бор. Мамлакатнинг ижтимоий бойлиги ва миллий даромади йилдан-йилга ўсмоқда. Совет ҳокимияти бунёдга келгандан бери ўтган вақт ичида миллий даромад, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 15 баравар кўпайди (халқ хўжалигининг умумий юксалиши ва халқ турмуш даражасининг ошганлиги миллий даромаднинг ўсишида ифодаланади). Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси тўхтовсиз ошиб бормоқда.

Совет халқи томонидан олиб борилган қаҳрамонона курашнинг ва қилинган меҳнатнинг энг асосий натижаси, якуни шуки, совет халқи янги жамият — социализм ва шу жамиятга мос бўлган янги сиёсий тузум — совет социалистик давлатини вужудга келтирди. Социалистик жамият ва совет давлат тузуми вужудга келиши ва ривожланиши билан ижтимоий ривожланишнинг шу вақтгача номаълум бўлган янги қонуниятлари, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг янги нормалари пайдо бўлди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари

(КПССнинг XXI съездида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ қиладиган докладнинг тезислари)

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Ҳозирги замон капитализмининг асосий мақсади, уни ривожлантирувчи бош восита ва пружина меҳнаткашларни шафқатсиз эксплуатация қилиш йўли билан энг кўп фойда олишдан иборат бўлса ва бунинг натижасида жамиятнинг жуда оз қисми бойиб, аҳолининг кўпчилиги ҳонавайрон бўлиб қашшоқлашаверса, социализмнинг олий мақсади, уни ҳаракатлантирувчи қудратли куч бутун жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўхтовсиз қондиришдан, илғор фан ва техниканинг ҳамма муваффақиятларидан фойдаланувчи саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ўстиришдан иборатдир.

Социалистик жамиятда капитализмга хос бўлган зиддиятлар учун, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан ўзлаштиришнинг хусусий усули ўртасидаги зиддиятлар учун ўрин йўқ, конкуренция, ишлаб чиқариш анархияси, ишсизлик, иқтисодий кризислар сингари ҳодисалар учун ўрин йўқ. Социалистик жамиятда бошқача иқтисодий қонуниятлар: халқ хўжалигининг планли ва пропорционал ривожланиши, тушкунлик ва кризисларни билмайдиган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ва тез ўсиши каби қонуниятлари вужудга келди ва амал қилмоқда. Бу эса халқ хўжалигини планлаштиришга, унинг ривожланиш йўлини белгилаб беришга, ишлаб чиқариш ҳажмларини тинимсиз кўпайтиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштиришга, ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни социалистик негизларда кенг миқёсда ўтказишга имконият беради.

Социализм янги иқтисодий қонуниятлар билан бирга янги ижтимоий муносабатларни ҳам туғдирди. Одамни одам эксплуатация қилиши буржуа жамиятига хос хусусиятдир. Бунинг ўрнига социализм даврида социалистик ижтимоий мулк негизида жамият аъзоларининг, яъни халқ хўжалигини ва маданиятни ривожланишдан ғоят манфаатдор бўлган, бу ривожланиш ўз меҳнатларининг натижаларига батамом боғлиқ эканлигини англаб турган тенгҳуқуқли ва эркин кишиларнинг биргалиқда қилинадиган меҳнатидаги ўзаро ёрдамлашиш ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Конкуренция, хусусий эгалик ва одамни одам ваҳшиёна эксплуатация қилиши ўрнини социалистик жамият қишилари ўртасидаги янги, чинакам инсонпарварлик муносабатлари — ўртоқларча мусобақа ва ҳамкорлик, меҳнатда бир-бирини қувватлаш муносабатлари кенг халқ оммасининг ижодий ташаббус, активлик, талант ва қобиliятларини кўрсатишга кенг имконият берадиган муносабатлар эгаллади.

Социализм, совет давлат тузуми шароитида чинакам демократизм ифодаси бўлган янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлди ва ривожланди. Совет давлатининг мустаҳкам негизи бўлган ишчилар синфи билан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди. Совет Иттифоқидаги эркин ва мустақил халқларнинг қардошларча дўстлиги мустаҳкамланди.

Миллатларнинг эркин иттифоқи бўлган кўпмиллатли совет давлати йилдан-йилга тобора мустаҳкамланмоқда. Тенгҳуқуқли миллатларни ва халқларни бирлаштирган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча Совет республикаларининг экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама тинмай ривожлантиришни таъминламоқда.

Мана шу янги қонуниятларнинг ҳаммаси, янги ижтимоий муносабатларнинг мана шу ҳамма характерли белгилари биринчи бўлиб социализм қурган фақат бизнинг мамлакатимизгагина эмас, шу билан бирга капитализмга нисбатан буюк афзалликларини кўрсатаётган кунлан-кунга ҳаётий кучга тўлаётган ҳар бир социалистик мамлакатда, социализмнинг бутун жаҳон системасида ҳам амал қилиши учун энг илғорликда ўзига кенг майдон очиб олди.

2. СССР меҳнаткашлари Россиянинг саноат соҳасидаги асрий қолоқлигини совет ҳокимияти йиллари мобайнида тугатиб, Совет давлатининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаб берган қудратли саноатни вужудга келтирдилар. Ҳозирги вақтда СССР саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми жиҳатидан Европада биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринда турибди.

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришида эришилган жуда катта миқёсни қуйидаги маълумотлар яққол кўрсатади.

1958 йилда 55 миллион тоннага яқин чўян эритилади, 113 миллион тонна нефть чиқарилади. Бу шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда ҳар ойда бутун 1913 йиллагига қараганда кўпроқ пўлат эритилмоқда ва нефть чиқарилмоқда. 1958 йилда электр қуввати ишлаб чиқариш 233 миллиард киловатт-соатга етказилади. Ҳозир бизнинг мамлакатимизда ҳар уч кунда чор Россиясида бир йилда ишлаб чиқарилган электр қувватига баравар келадиган миқдорда электр қуввати ишлаб чиқарилмоқда. Аслини олганда, эски Россияда химия саноати йўқ эди. Ҳозирги вақтда химия саноати маҳсулотининг ҳажми жиҳатидан СССР жаҳонда иккинчи ўринда турибди.

Халқ хўжалигини индустриал ривожлантиришнинг ва техника тараққиётининг асоси бўлган машинасозлик саноатини ривожлантиришда айниқса зўр муваффақиятлар қўлга киритилди. Машиналар ва ускуналарнинг кўп турларини ишлаб чиқариш катта миқёсда янгилан барпо қилинди. Чунончи 1913 йилда ҳаммаси бўлиб 6 минг киловатт қувватга эга бўлган турбиналар чиқарилган бўлса, 1958 йилда 7 миллион киловаттга яқин қувватга эга турбиналар чиқарилди; металл қирқувчи станоклар 1913 йилда атиги 1,5 мингта ишлаб чиқарилган бўлса, 1958 йилда 138 мингталан кўпроқ ишлаб чиқарилди. Ҳозирги вақтда СССР саноати йилига 220 минг трактор, 10 мингдан кўпроқ экскаватор, 500 мингдан кўп автомобиль ишлаб чиқармоқда.

СССР нинг бутун оғир саноати жадал суръатлар билан ривожланмоқда: ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш 1958 йилда 1940 йилдагига нисбатан 5 баравардан зиёдроқ кўпаяди.

Оғир индустриянинг тез суръатлар билан ривожлантирилганлиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тез суръатлар билан ўстирилганлиги енгил саноатнинг ва озиқ-овқат саноатининг ҳамма тармоқларини юксалтирмоқ учун мустаҳкам негиз яратиб берди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 1958 йилда 1913 йилдагига нисбатан қарийб 14 баравар кўпаяди, шу билан бирга маданий-маиший эҳтиёжларга керакли буюмлар ишлаб чиқариш 45 баравар кўпайди. Енгил саноатнинг ва озиқ-овқат саноатининг айрим тармоқлари Улуғ Ватан уруши йилларида ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан кўп йиллар орқадаги даражага тушиб қолганлигига қарамай, ҳозирги вақтда халқ истеъмол қиладиган буюмлар 1940 йилдагига нисбатан 2,7 баравар кўп ишлаб чиқарилмоқда.

Социалистик саноат фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларига, ишчилар, олимлар, инженерлар ва техникларнинг тобора ўсиб бораётган ижодий ташаббускорлигига ва фидокорона меҳнатига таяниб ривожланаётганлиги туфайли катта муваффақиятларга эришди. КПСС XX съездидан кейин ўтган даврнинг ўзигагина машиналар, механизмлар ва аппаратларнинг 4500 дан кўпроқ энг муҳим янги типлари яратилди ва ўзлаштирилди, ёки бутун бешинчи беш йилликда бўлганига қараганда анча кўп миқдорда янги типлаги машиналар, механизмлар ва аппаратлар яратилди; 800 тадан кўпроқ янги типлаги асбоблар яратилди ва ўзлаштирилди.

Саноат ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги халқ хўжалигининг ривожланишини жадаллаштириб юборган энг муҳим фактор бўлди. Халқ хўжалиги кенгашлари иш бошлаганидан бери ўтган қисқа давр ичида саноатни бошқаришнинг янги формаси жуда катта афзалликларга эга эканлиги намоён бўлди. Саноат маҳсулотини ўстириш суръатлари ошди, ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан фойдаланиш анча яхшиланди, ишчилар синфининг, инженер-техник кадрларнинг ташаббускорлиги ва активлиги кучайди, давлат планларини бажариш учун социалистик мусобақа тағин ҳам кўпроқ кенгайди. Халқ хўжалиги кенгашлари ишга тушгандан бери ўтган (1957 йилнинг июль ойидан 1958 йилнинг июнь ойига қадар бўлган) бир йил ичида саноат маҳсулотининг ўсиши бундан аввалги йилдаги маҳсулотнинг ўсишига нисбатан 17 миллиард сўм миқдорида кўпайди. Корхоналар ишининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари анча яхшиланди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ва саноат маҳсулотининг таннархини камайтириш плани 1957 йилда ва 1958 йилнинг биринчи ярмида ошириб бажарилди. Шу давр ичида маҳсулот таннархини камайтириш натижасида пландан ташқари тежалган умумий маблағ қарийб 10 миллиард сўмни ташкил қилди.

Саноат ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги натижасида ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш янги, тағин ҳам юқори босқичга кўтарилди, иқтисодий районлар ва республикаларнинг ичида ҳам, шунингдек бутун халқ хўжалигида ҳам ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни янгала ривожлантирмоқ учун кенг имкониятлар вужудга келтирилди.

3. Ленин кооператив планини партия изчиллик билан амалга ошириб борганлиги қишлоқда социализмнинг ғалаба қозонишини таъминлади. Миллион-миллион деҳқон хўжаликлари энди йирик социалистик хўжаликларда—колхозларда бирлашиб олдилар, ҳозирги вақтда колхозлар сони 70 мингдан кўпроқ ҳисобланади. Колхозлар билан бир қаторда 6 мингта давлат йирик қишлоқ хўжалик корхоналари—совхозлар бор.

Қишлоқ хўжалигини социалистик реконструкция қилиш ва уни ҳозирги замон техникаси билан қуроллантириш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг миқдори кўпайди ҳамда колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг меҳнат унумдорлиги ошди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида шуғулланаётган аҳолининг солмоғи революциядан олдинги даврдагига нисбатан қарийб икки баравар қисқарган бўлса ҳам, лекин қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти бир неча баравар кўпайди.

КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш программасини ишлаб чиққан (1953 йил) сентябрь Пленумидан кейин ўтган давр ичида колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. 36 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдан иборат жуда катта халқ хўжалик вазифаси қисқа муддат ичида ҳал қилинди, бу билан Шарқда ғоят зўр ғалла базаси ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мамлакат районлари бўйича ихтисослаштириш учун шарт-шароит вужудга келтирилди. Кейинги беш йил ичида бундан олдинги беш йилдагига нисбатан ғон етиштиришнинг йиллик ўртача миқдори 38 процент кўпайди, шу билан бирга маккажўхори экиш кенг равишда бўлди, пахта етиштириш 20 процент, зиғир толаси етиштириш 76 процент, қанд лавлаги етиштириш 66 процент, кунгабоқар етиштириш 65 процент, картошка етиштириш 11 процент, сабзавот етиштириш 42 процент кўпайди. Совет Иттифоқидаги умумий экин майдони 195 миллион гектардан ошиб кетди.

Мамлакатда қорамоллар сони 1958 йилда 1953 йилдагига нисбатан тахминан 14 миллион бош, шу жумладан сигирлар 7 миллион бош кўпайди, чўчқалар 14 миллион бош, қўйлар 29 миллион бош кўпайди. 1957 йилда 1953 йилдагига нисбатан гўшт етиштириш (қорамолларнинг кўпайишини ҳам ҳисобга олганда) 1,4 баравар, сут етиштириш 1,5 баравар, тухум етиштириш 1,4 баравар, жун етиштириш 1,2 баравар кўпайди, шу жумладан майин ва ярим майин жун етиштириш 1,9 баравар кўпайди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг ўртача миқдори колхозларда 1953 йилдаги 1016 килограмм ўрнига, 1958 йилда тахминан 1900 килограммни ташкил қилади. Кейинги 4 йил ичида (1954-1957 йилларда) қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти кўпайишининг йиллиқ ўртача суръати СССР да 7,1 процентни ташкил қилди, АҚШ да эса 1,1 процентни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар колхоз тузумини мустаҳкамлаш ва совхозларни ривожлантириш, ташкилий-сиёсий ва иқтисодий характерда бўлган катта тадбирларни амалга ошириш ва аввало колхозчи деҳқонларнинг ва барча қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида Партия ва Ҳукумат томонидан ҳар томонлама олиб борилган ташкилотчилиқ ишларининг натижасидир. Колхозлар бор резервлардан тўла-тўкис фойдаланиш асосида жамоат хўжалигини ривожлантиришни янгича планлаштириш имконятига эга бўлдилар.

Партия ва Ҳукумат қишлоқ хўжалигини унинг унумдорлигини оширадиган замонавий техника билан қуроллантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. 1954—1958 йиллар ичида қишлоқ хўжалиги 670 минг трактор (ёки 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда бир миллиондан кўпроқ трактор), 370 минг ғалла комбайни, 570 минг юк автомобили ва бошқа кўп машиналар олди.

Қишлоқ хўжалигини социалистик реконструкция қилиш натижасида деҳқонларнинг меҳнат шароити тубдан ўзгарди. Эндиликда қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнати индустриал меҳнатнинг хилма-хил турларидан бирига тобора кўпроқ яқинлашмоқда. Колхозларда ва совхозларда ташкилотчи ва мутахассисларнинг кўп сонли тажрибали кадрлари ишламоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 500 мингга яқин мутахассис ишлаб турибди.

Колхозлар иқтисодий-жиҳатдан бақувват, йирик хўжаликлар бўлиб қолди. Колхозларнинг бўлинмас фондлари 1953 йилдаги 70 миллиард сўмдан 1958 йилнинг 1 январида 102 миллиард сўмга етди. Колхозлар ва колхозчилар давлатга ва кооперацияга топширган ва сотган маҳсулотлари учун 1952 йилдагига қараганда 1957 йилда 65 миллиард сўмдан кўпроқ пул олдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг меҳнат кунларига берилаётган пул ва натура маҳсулотларни анча кўпайтиришга, бу билан уларнинг моддий фаровонлик даражасини оширишга имкон берди.

Кейинги йиллар ичида совхозлар мустаҳкамланди ва уларнинг сони кўпайди. Совхозларнинг экин майдони беш йил ичида 15 миллион гектардан 52 миллион гектарга етди.

МТСлар қайта ташкил қилинганлиги, колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш практикаси ўзгартирилганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг янги тартиби ва шу маҳсулотларга янги тайёрлаш нархлари белгиланганлиги социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муҳим тадбирлар бўлди.

Партия ва Ҳукумат томонидан колхозлар ва совхозларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасида ўтказилган тадбирлар социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тағин ҳам муваффақиятлироқ ривожлантирмоқ, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини анча кўпайтирмоқ ва бу маҳсулотлар таннархини камайтирмоқ учун бутун шарт-шароитни вужудга келтирмоқда.

4. Темир йўл, сув, автомобиль ва ҳаво транспортини ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришилди. Ҳамма турлардаги транспортнинг юк оборoти 1958 йилда 1940 йилдагига нисбатан уч баравардан зиёдроқ кўпайди. Транспортни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Паровозларга нисбатан жуда катта афзаллиги бўлган ва тобора кўпайиб бораётган кенг ҳажмдаги юк ташишни таъминламоқ учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган электровозлар ва тепловозлар муваффақиятли равишда жорий қилинмоқда. Денгиз, дарё ва автомобиль транспортида юк ташиш ҳажми анча кўпайди. Мамлакат ичида ва халқаро йўлларда ҳаво транспорти кўп миқдорда ривожланди.

5. Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма тармоқларида жуда катта қурилиш ишлари бажарилди. Урушдан кейинги даврда СССРда капитал қурилишга маблағ сарфлаш ҳар йил ўрта ҳисобда 12 процентдан кўпайиб борди.

Фақат 1946—1958 йилларнинг ўзидагина давлат томонидан сарфланган капитал маблағнинг ҳажми ҳозирги нархлар билан ҳисоблаганда 1 триллион 600 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни ташкил қилди. Шу вақт ичида 12 мингга яқин давлат саноат корхоналари ҳамда кўп миқдорда ўрта ва майда корхоналар қурилди ва ишга туширилди.

Кейинги 5 йил ичида саноатда ишга туширилган янги қувватлар урушдан олдинги икки беш йилликда ишга туширилган қувватлардан кўп ҳолларда анча ошиқ бўлди, буни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

Қуйидагиларни ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди:	Биринчи ва иккинчи беш йилликларнинг ҳаммасида	Кейинги 5 йил ичида (1954-1958 йиллар)
Чўян—йилига миллион тонна ҳисобида	11,8	13
Пўлат—йилига миллион тонна ҳисобида	10,4	9
Цемент—йилига миллион тонна ҳисобида	3,1	13
Кўмир чиқариш—йилига миллион тонна ҳисобида	135,4	150
Электростанциялар—миллион киловатт ҳисобида	6,4	24
Шакар ишлаб чиқаралиган корхоналар—суткасида лавлагини қайта ишлаш бўйича 1 минг тонна ҳисобида	197,4	680

Уй-жой қурилиши айниқса кенг миқёсда авж олиб кетди. Фақат кейинги беш йилнинг ўзидагина шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида 216 миллион квадратметр, яъни чор Россиясида 1913 йилда шаҳарларда бўлган бутун уй-жой фондидан анча ошиқ миқдорда бўлган янги уй-жой бинолари қурилди. Кейинги беш йил ичида колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари қишлоқ жойларида 3 миллиондан кўпроқ уй қуриб олдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети кейинги даврда капитал қурилиш соҳасида, кучли қурилиш саноати вужудга келтириш ва қурилишнинг индустриал методларини жорий қилиш, қурилиш ишларининг қийматини камайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Саноатни ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш 1957 йилда қурилиш ишлари планининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам берди ва 1958 йилда қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини 1957 йилдагига нисбатан тахминан 17 миллиард сўм миқдорида кўпайтиришни таъминлади.

6. Совет ҳокимияти йилларида маданий революция амалга оширилди, бунинг натижасида Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар маданиятини мисли кўрилмаган яшнатишга муваффақ бўлинди. Аҳолининг маданий ва умумий маълумот савияси тўхтовсиз ошмоқда. Ҳамма турдаги ўқув-юртларида ҳозирги вақтда 50 миллиондан кўпроқ киши ўқимоқда. Ҳозирги вақтда СССР да 765 та олий ўқув юрти, 3500 та техникум ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари бўлиб, булардан 4 миллиондан кўпроқ киши ўқимоқда. Мутахассисларнинг кўп сонли кадрлари вужудга келтирилганлиги партия ва совет ҳокимиятининг энг катта муваффақиятларидан биридир. Халқ хўжалигида ишлаб турган ҳамда олий ва ўрта маълумотга эга бўлган мутахассислар сони қарийб 7,5 миллион кишига етди, яъни 1913 йилдагига қараганда 39 баравар кўпайди. СССР нинг олий ўқув юртларини ҳозирги вақтда АҚШ даги олий ўқув юртларини битираётган инженерларга қараганда қарийб уч баравар кўп инженер тамомлаб чиқмоқда.

Бизнинг давримизда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан табиёт ва техника фанларининг кейинги муваффақиятларига асосланган янги техниканинг тараққий этиши билан белгиланади, шу сабабли илм-фанни бутун чоралар билан ривожлантириш давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим вазифалардан биридир.

СССР да олимларга самарали илмий иш билан шуғулланиш учун бутун имконият бериб қўйилган—энг янги ускуналар билан жиҳозланган жуда кўп илмий муассасалар вужудга келтирилган. 1958 йил охирига келиб илмий ходимлар сони 270 мингдан ошиб кетди, яъни революцияга қадар бўлганига қараганда 27 баравар кўпайди.

Совет олимлари мамлакатимиз халқ хўжалигида техникани тараққий эттиришга катта ҳисса қўшдилар. Олимларнинг математика, механика, физика, химия, электроника, автоматика, биология соҳаларидаги жуда катта муваффақиятлари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ғоят мураккаб проблемаларини муваффақиятли равишда ҳал қилишга, энг янги техникани саноатга ва қишлоқ хўжалигига жорий қилишга, ишлаб чиқаришнинг юксак даражада самарали методларини ишлаб чиқишга имкон берди.

Бизнинг олимларимиз энг мураккаб илмий-техника вазифаларини ҳал қилишга моҳир эканликларини неча марталаб кўрсатдилар. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида олимлар, инженерлар ва конструкторларнинг куч ва ғайратларини яқиндан бирлаштириш СССР да фан даражасининг умумий юксалишини ва табиёт илмининг ва техниканинг бу етакчи соҳасида СССР нинг олдинги позицияга чиқиб олишини таъминлади. СССР да қудратли атом саноати вужудга келтирилди.

Совет Иттифоқида 1954 йилдан бери жаҳонда биринчи атом электростанцияси ишлаб турибди. Жаҳонда энг катта бўлган ва 600 минг киловатт қувват бера оладиган атом электростанциясининг 100 минг киловатт қувват берадиган биринчи навбат қисмя шу йил ишга туширилди. «Ленин» турбо-электр атом музёрари қуриб битказилмоқда. Зарядланган заррачаларни 10 миллиард электронвольт қувват билан тезлаштирадиган жаҳонда энг зўр тезлаткич қурилди. Совет олимлари термоядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш йўлида муваффақият билан олга бормоқдалар. Қитъалараро баллистик ракеталар ишлаб чиқариш муваффақиятли равишда йўлга қўйилди. Совет Иттифоқида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилиши билан инсоният тарихининг янги даври—космос фазосини ўзлаштириш даври очилди: Ернинг иккинчи ва учинчи йўлдошлари учирилди, коинотдаги жисмларга учиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Тез ишлайдиган бир қанча электрон ҳисоблаш машиналари яратилди.

Кўмир, нефть, табиий ёнар газлар, темир, рангли металлар чиқадиган бир қанча катта конлар, шунингдек олмос, нодир металлар ва радиактив рудалар чиқадиган конлар топилганлиги ва ўрганилганлиги совет геологларининг муваффақиятларини жуда яққол қилиб кўрсатди.

7. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида совет халқининг моддий фаровонлигини тинимсиз ошириш учун шарт-шароит вужудга келтирилди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ишчилар синфининг сони анча кўпайди. Ҳозирги вақтда СССР халқ хўжалигида 54 миллион ишчи ва хизматчиларнинг, яъни 1913 йилда бўлганига қараганда 4 баравардан зиёдроқ, 1940 йилдагига нисбатан эса 1,8 баравар кўп ишчи ва хизматчи ишлаб турибди.

Ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи пенсияларни, нафақаларни, текин ўқитишни ва текин медицина хизмати кўрсатишни қўшиб ҳисоблаганда 1958 йилда 1940 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди, деҳқонларнинг реал даромаллари эса бир ишловчига ҳисоблаганда икки баравардан зиёдроқ кўпайди.

Партия XX съездининг қарорларини амалга ошириш соҳасида ишчи ва хизматчиларнинг кам ҳақ тўланадиган категориялари оладиган иш ҳақини кўпайтириш, байрамолди кунларида ва дам олиш кунларидан олдинги кунларда иш кунини қисқартириш, оғир саноатнинг бир қанча тармоқларида ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига кўчириш сингари катта тадбирлар амалга оширилди. Ўсмирлар учун 6 ва 4 соатлик иш куни белгиланди ва бир ойлик отпуска бериладиган бўлди, меҳнаткашларни социал страхование бўйича нафақалар билан таъминлашни яхшилайдиган бир қанча чоралар амалга оширилди. Ҳомиладорлик ва туғиш отпускаларининг муддати кўпайтирилди, давлат пенсиялари тўғрисида янги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун ишчи ва хизматчиларнинг пенсия таъминотини анча яхшилади.

Совет давлати социал страховани тўловларига, нафақалар, пенсиялар, ўқувчиларга стипендиялар тўлашга, текин ўқитишга, медицина хизмати кўрсатишга, отпускалар ҳақини тўлашга ва шу қабиларга ҳар йил жуда кўп маблағ ажратмоқда. Фақат 1958 йилнинг ўзида шу мақсадларга ажратилган маблағларнинг умумий миқдори 1953 йилдаги 134,5 миллиард сўм ўрнига 215 миллиард сўмдан ошиб кетади. Кейинги беш йил (1954-1958 йиллар) ичида бу тўловлар ва берилган енгилликлар 60 процентдан зиёдроқ миқдорда кўпайди, ваҳоланки бундан олдинги беш йил ичида бу тўловлар ва енгилликлар 27 процент кўпайган эди.

Меҳнаткашларга тўланаётган давлат пенсияларининг миқдори айниқса кўпайди. 1958 йилда аҳоли давлатдан қарийб 64 миллиард сўмлик, яъни 1953 йилда аҳолига тўланган пенсияларнинг миқдоридан қарийб икки ярим баравар ошиқ миқдорда пенсиялар олади.

Меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш соҳасида 1956-1958 йиллар учун тузилган коллектив шартномаларга киритилган тадбирларга 8,8 миллиард сўм ва ишчиларга текин иш кийими беришга 13,5 миллиард сўм ажратилди.

Совет халқининг моддий фаровонлиги ўсганлиги истеъмолнинг кўпайиб ва совет савдосининг ривожланиб бораётганлигида ўзининг ёркин ифодасини топмоқда. КПСС XX съездидан кейин ўтган даврда ичида чакана товар оборотининг ҳажми таққосланувчи нархлар билан ҳисоблаганда 32 процент, ёки ўрта ҳисоб билан йилига 9,6 процентдан кўпайди. Товар оборотининг бутун ҳажми 1958 йилда 670 миллиард сўмни ташкил қилади.

8. Совет ҳокимияти йилларида ҳамма республикаларда экономика ва маданиятни юксалтиришда жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси жуда кўп даражада ошди. Ленинча милий сиёсат изчиллик билан амалга оширилганлиги, иқтисодий ва маданий жиҳатдан илгари қолоқ бўлиб келган милий республикаларга қардошларча ўзаро ёрдам берилб турилганлиги натижасида бу республикалар жуда катта замонавий саноатни, машиналаштирилган йирик қишлоқ хўжалигини, ўқув юртларининг, илмий ва маданий-оқартув муассасаларининг кенг шаҳобчаларини вужудга келтирдилар, жуда кўп малакали кадрларни тарбиялаб етиштирдилар.

Совет ҳокимияти йилларида йирик саноат маҳсулоти ўрта Осиё республикаларида ва Қозоғистонда 50 баравар, Закавказье республикаларида 30 баравар, Болтиқ бўйи республикаларида (1940 йиллагига нисбатан) 9,5 баравар кўпайди.

Кейинги йилларда Партия ва Ҳукумат иттифоқчи республикаларнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳаларидаги ҳуқуқларини анча кенгайтириш тадбирларини амалга оширдилар, бу эса мамлакатимизнинг табиий ва меҳнат ресурсларидан тағин ҳам самарали фойдаланишга, ҳар бир республиканинг экономикасини ва маданиятини тағин ҳам тезроқ ривожлантиришга имкон беради.

9. Социалистик хўжалик системаси меҳнат унумдорлигини тез ўстирмоқ учун бутун шарт-шароитни вужудга келтирди. Техникани тараққий эттириш ва умумхалқ социалистик мусобақаси асосида СССРда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлиги тўхтовсиз ошмоқда. СССР саноатида ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги иш куни қисқарган ҳолда 1958 йилда 1913 йиллагига нисбатан тахминан 10 баравар ошади. Ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда меҳнат унумдорлиги 1940 йилдагига нисбатан саноатда 2,6 баравар, қурилишда эса 2,4 баравар кўпайди. 1953 йилдан 1958 йилга қадар ўтган даврда ичида меҳнат унумдорлиги совхозларда 35 процент, колхозларда 36 процент ошди.

10. Совет Иттифоқи асосий иқтисодий вазифани ҳал қилишда анча олга силжиди. Бизнинг мамлакатимиз чўян, пўлат, кўмир, электр қуввати, цемент, ишлов бериш, тахта, ип газлама ва саноат маҳсулотининг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқаришнинг абсолют даражаси жиҳатидан Англия, Ғарбий Германия, Франция сингари тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди. Қора металлар ишлаб чиқариш, темир-руда ва кўмир қазиб чиқариш, бир қанча машиналар, асбоблар, ип газламалар ишлаб чиқариш соҳасида мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги масофа анча қисқарди. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг бир қанча муҳим турлари соҳасида, масалан, жун газламалар, ёғоч ва тахта ишлаб чиқариш, мол ёғи ишлаб чиқариш, буғдойнинг ялпи ҳосили, қанд лавлаги ва картошка етиштириш соҳасида СССР АҚШда эришилган даражадан ошиб кетди. Кейинги йилларда СССР маҳсулотининг кўп турларини ишлаб чиқаришда, жумладан, темир-руда, чўян, пўлат, нефть, кўмир, цемент чиқаришда ўсиш суръатлари жиҳатидагина эмас, шу билан бирга ҳар йилги абсолют ўсиш жиҳатидан ҳам АҚШдан ўзиб кетди.

11. Социалистик ривожланиш йўлига кирган ҳамма мамлакатлар кейинги даврда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Жаҳон социализм системаси капиталистик системага нисбатан ўзининг шак-шубҳасиз афзалликларини тобора тўлиқроқ очиб кўрсатмоқда.

Дастлабки маълумотларга қараганда, социалистик мамлакатлар 1958 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 1937 йилда ўз территорияларидаги ишлаб чиқариш даражасига нисбатан 4,9 баравар кўпайтирадилар. Совет Иттифоқи 1937 йилда бирдан-бир социалистик мамлакат бўлганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда социалистик хўжалик системасидаги саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1937-1958 йилларда 9,5 баравар кўпайганлиги маълум бўлади. Шу давр ичида эса капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулотининг ҳажми 2 баравардан камроқ миқдорда кўпайди, шу билан бирга капиталистик мамлакатларда —АҚШ ва бошқа бир қанча капиталистик мамлакатларда кейинги вақтларда ишлаб чиқариш қисқариб бормоқда.

СССР экономикаси ва маданияти ривожланишининг якунлари, шунингдек халқ-демократияси мамлакатларидаги социалистик қайта қуришнинг муваффақиятлари ўз асрини тугатиб бораётган капитализм ўрнини олаётган янги ижтимоий тузумнинг афзалликларини ва улуғ ҳаётий кучини шак-шубҳасиз яққол исботламоқда.

Инсониятга социализм йўлини очиб берган Совет Иттифоқи эндиликда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда шундай даражага етдики, бу даража коммунизм қуришнинг янги жуда катта вазифаларини ҳал қилишга ўтиш имконини беради.

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА)

Ҳозирги ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб, пахта тайёрлаш суръатини кучайтирайлик!

Барча колхоз ва совхозларда сушилкалар кеча-кундуз тўхтовсиз ишлатилсин!

☆ ☆ ☆

ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИМИЗ

Ҳали колхоз, совхозларимиз далаларида планни тўлдириш, мажбуриятни бажариш учун етарли миқдорда ҳосил бор. Ўзбек халқининг миллий ифтихори ва қиймматбаҳо бойлиги бўлган ана шу беҳисоб «оқ олтин» дурдоналарининг бир граммини ҳам ерда қолдирмай ва нес-нобуд қилмай батамом йиғиб-териб олиб, давлатга топшириш — ватанпарварлик бурчимиздир.

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам, ҳеч қандай саросимага берилмасдан пахта тайёрлаш суръати бўшаштирилмасин, уч миллион тоннага ҳамма ўз хиссасини қўшсин! Ҳозирги пайтнинг майдонга отилган жанговар шиори шу. Унинг бажарилишини дабдабали сўзлар ва қуруқ ваъдалар эмас, балки далаларга ҳосилни йиғиб-териб олишда фаол қатнашаётган кишиларнинг сони, уларнинг фидокорона меҳнати, меҳнатни тўғри ташкил этиш, йиғиб-териб олинган ҳар бир килограмм пахта, кўсак ва кўрак ҳал қилади.

Областимиздаги илғор колхозлар, совхозлар ва кўпгина бригадалар ишни ана шундай уюштириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 41 йиллигини пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олдилар. Илғорлар планни бажарганларидан кейин ҳам суръатни бўшаштирмасдан ҳамон олдинга интилмоқдалар, уч миллион тоннага кўпроқ хисса қўшиш иштиёқи билан социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Эндиликда улар ўз зиммаларига олган мажбуриятлари юзасидан пахта топширмоқдалар. Бу муваффақиятларга партия талпилоқлари томонидан омма орасида олиб борилаётган зўр сиёсий ҳамда катта ташкилотчилик ишлари туфайли эришилмоқда, бу муваффақиятлар колхозчилар ва совхоз ишчилари билан ёнма-ён туриб пахта тераётган шаҳар меҳнаткашлари, мактаб ўқувчилари ва студентларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ғўлга киритилмоқда.

Лекин областимизнинг пахта тайёрлашда энг орқада қолаётганлиги жиддий ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас. Планимиз эндигина 62 процентдан ошди. Маррага етиш учун яна 171 минг тонна пахта топширишимиз керак. Шунга қарамай, бир қатор районлар, жумладан Ўртасарой, Сирдарё, Ўрта чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл районлари пахта тайёрлаш суръатини сусайтириб юбормоқдалар. Кўпгина колхозлар ва совхозларда меҳнат тўғри ташкил этилмаётир, мавжуд ишчи кучлари ва моддий-техника воситаларидан тўла фойдаланилмаётир. Масалан, Чиноз районининг пахта тайёрлашда орқада қолаётган «XIX партсъезд» ва «Қизил октябрь» колхозларида мавжуд ишчи кучларининг ярмига яқини йиғим-теримда қатнашмаётир. Бу районларнинг партия ва совет ташкилотлари, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари меҳнатни тўғри ташкил қилиш, барча ишчи кучларини йиғим-теримга тўла сафарбар этиш, колхозчилар, совхоз ишчилари ҳамда шаҳардан чиққан хашарчиларга қулай иш шароити яратиб бериш масаласи билан етарли шуғулланмаётирлар.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар галгидек ҳозир ҳам илгнинг мувафқиятини кишилар ҳал қилади. Шу туфайли ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам меҳнат тўғри ташкил этилиши, теримда ишлаётган кишилар учун ҳар томонлама қулай маданий-маиший шароит яратиб берилиши керак. Колхозчилар, совхоз ишчилари ва шаҳарлик ёрдамчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларни лаззатли, арзон баҳодаги овқат, иссиқ кийим-кечак ва турар-жой билан таъминлаш, далада ўз вақтида аванс бериш, кўчма савдо уюштириш, болалик аёлларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратиб бериш, шунингдек теримчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ва медицина хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйиш масалалари район партия, совет ташкилотлари ҳамда колхоз, совхоз раҳбарларининг диққат марказида туриши лозим.

Шу кеча-кундузда кўсак териш ва кўсак чувиш машиналарини ишга тушириш, улардан унумли фойдаланиш, кечалари коллектив бўлиб кўсак чувишни ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Чунки, бу тадбирлар пахта териш ва давлатга топшириш суръатини кучайтиришга ёрдам беради.

Йиғим-теримда олдинда бораётган илғор колхозлар, совхозлар ва теримчиларнинг, кўсак териш агрегатлари ва кўсак чувиш машиналарининг ишни уюштиришдаги тажрибаларини кенг оммалаштириш, бу билан орқада қолаётганларни ҳам олдингилар қаторига етказиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш — район партия комитетлари ва колхоз, совхоз партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Улар давлат ва партия интизомининг янада мустаҳкамланишига, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг ишдаги жавобгарлик ҳиссини оширишга эришишлари керак.

Кўпи билан яна ўнбеш—йигирма кун зўр берилса, ишга жон қуйдириб астойдил киришилса, планни бажаришимиз турган гап. Бу масъулиятли бурчимизни адо этишда коммунистлар ҳамда комсомолларнинг зиммасига катта вазифа ва кўпроқ ҳисса тушади. Улар йиғим-теримнинг ҳозирги ҳал қилувчи палласида ҳам ҳар галгидек ишда шахсан намуна кўрсатишлари, ҳар доим олдинги сафда боришлари ва оммага бош-қош бўлишлари лозим.

Шу кунларнинг ҳар бир соат ва минутлари ғанимат. Ҳавонинг мудом бир хилда чарақлаб туришини кутмасдан бутун куч ва воситаларни йиғим-теримга сафарбар этайлик, ерда, кўча-кўйларда, чала чувилган ғўза пўчоқларида, хирмон атрофларида бир грамм ҳосилни ҳам қолдирмай ва нес-нобуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олайлик.

Бўка районидаги 6-«Кўкорол» совхозининг ишчилари пахта танёрлаш давлат плани бажарилгандан кейин ҳам суръатни бўшаштирмасдан йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Совхоз ишчилари давлатга қўшимча равишда пахта етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун даладаги барча ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш мақсадида астойдил қурашаётирлар. Суратда: совхоз даласида пахта терши пайти.

В. Панов фотоси.

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ РЕЙД БРИГАДАСИ.

Бўкада ҳали пахта кўп, уни тезроқ териб олиш керак!

Куз фаслининг ўзига ҳос гўзал жозибасини жуда кўп қаламкашлар тасвирлаган. Йилнинг якуни шу фаслда тарозига солиниши, яproқларга олтиқ суви югуриши, тог-тог «оқ олтин» хирмонларининг қал кўтариши кузнинг бир сақифасидир. Гўзал кузнинг мазмунли сақифасини бирма-бир варақлаганда кимнинг қандай ишлагани, меҳнат натижаси намоён бўлади қолади.

Эрта баҳорда катта мажлис минбарида берилган катта ваъдалар унутилган, ёзги жазирама иссиққа бардош беролмай ҳар хил баҳонани соёбон тутганлар мана бугун шунча югуришяпти, уринишяпти, сволкала силжиши суст. Негаки, қозонида камда, чўмичга чиқишнинг мазаси йўқ... Шунда жойларда бўлганингизда гоҳ «ғўзамиз кечки бўлиб қолди» деган, гоҳида «пахтани териб олишга кўл камлик қиляпти...» мазмунидаги гапларни эшитасиз. Баҳорда ишини билиб қилган, ёзда белини маҳкам боғлаб, пахта пишиб очилгунча ғайрат камари бўшатилмаган жойларда ғўза ҳам эртаги, кўсақнинг очилиши ҳам кўнгилдагидек, пахтасининг «гози» ҳам бор.

Бир колхозга борсангиз план юздан ошибди, шундай бўлса ҳам «яна эллик поез берамиз» дейишади. Шу ердан қўшни колхозга ўтсангиз «йил оғир келиб қолди, бултур бу вақтда юзнинг устида юрган эдик» деб ўтган йилги ишини пеш қилади, бу йилги қолоқлигини тан олгиси келмайди.

Бугун илғорлар ва қолоқлар, номи машҳур бўлиб келганлар ва бу йилги иши билан кўлчиликни қойил қилаётганлар тўғрисида гап юритамиз.

ЮЗДАН ОШГАНДА ҲАМ СУРЪАТ ЖАДАЛ

Куз фаслининг очиқ ҳаволи куни эди. Бўка райони сари йўлимиз тушди. Ҳаво салқин, томлар тепасида, дарахтлар япроғида киров зарралари булутни ёриб чиққан қуёш нурида шиша парчаси каби ярқирайди. Бостирмалардаги тўплоғлиқ пахта кенг хирмонларга ёйилмоқда, аравакашлар отларини қашламоқда, шоферлар машиналарини артиб-суртиб мой қуймоқда эди. Олди теримчилар, барвақт далага чиққан ёрдамчи ва студентлар дастлабки этак пахталарини хирмонга келтириб тўкмоқда эдилар.

Тог-тог пахта бунтлари қаторлашиб турган давлат қабул пункти ёнидан ўтиб, колхозга бурилдик. Идора ёнидаги кўрсаткич тахтасида ҳамма бригадаларда планнинг юздан ошиб кетганлиги, шундай бўлса ҳам кунига 1—1,5, айрим бригадалар эса 2 процентдан пахта топшираётганлиги қайд қилинган. Колхоз раҳбарларини кутиб турганимизда шу коллектив хўжаликда бир ойдан ортиқ вақтдан бери пахта тераётган Ўрта Осиё Давлат университети студентларининг раҳбари Ҳамидулла Ҳасанов билан учраштиб қолдик. Университетнинг кўчма Қизил байроғи шу колхозда пахта тераётган география факультети студентлари қўлида экан. Студентлар колхозга пахта теримига ёрдамга келганларида план энди 20 процент бажарилган эди. Ҳозир шу колхоз юздан ошириб юборди. Демак, 80 — 90 процент пахтани терib, давлатга топширишда студентларнинг ҳиссаси катта. Улар 350 тонна пахта териб беришибди. Эшқобил Мудаев, Юсуф Садомов, Анвар Султонов, Малика Ўрунова, О. Абдураҳмонова, А. Матнеева, О. Отамирзаевлар илғор колхозчилар сингари ҳозиргача 4—4,5 тоннадан пахта теришибди.

— Даладаги ҳосилнинг бир грамми қолгунча, колхозга ёрдам бераверамиз, — дейди Ҳамидулла Ҳасанов, — колхозчилар планни 150 процент қилиб бажаришмоқчи, дарҳақиқат ҳосиллари шу ваъданинг бажарилишини таъминлайди. Биз уларнинг ўз мақсадларига эришишларида ҳар қандай ёрдамимизни ҳам аямаймиз.

Шу вақт колхоз раиси Ўрозбой Жарқинбоев келиб қолди. У бизга колхоз йиллик планни Октябрь байрами арафасида бажарганлигини, байрамга совға қилиб беш процентдан ортиқ пахта берилганлигини айтди.

Ильич номли колхознинг бу йилги иши билан ўтган йилги ишини таққослаб кўрилганда жуда катта фарқ борлиги маълум бўлади. Колхоз 1957 йилда ҳар гектар ердан 10,43 центнердан пахта топширган экан. Бу йил ҳар гектар ердан ҳозиргача 20 центнердан пахта йиғиб олинибди. Колхозчилар яна 5 центнердан пахта беришни мўлжаллашяпти. Бир йилда ўн центнердан орттириб пахта бериш жуда катта ғалаба. Бунинг бойисини сўратганимизда раис бир қанча сабабларни кўрсатди.

Даставвал у ғўзанинг квадратуялаб парвариш қилинганлиги шундай натижага эришишнинг ҳал қилувчи шарти бўлди деди. Иккинчидан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, учинчидан суғоришнинг ўз вақтида, илғорлар тажрибаси асосида ўтказилганлиги, ҳашаротга қарши курош ўз вақтида уюштирилганлиги ҳосилнинг ошишига ҳам, барвақт етилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Раиснинг айтилига қараганда, колхоз шу йил ғўзани барги орқали биринчи марта суперфосфат билан озиқлантирган. Бу ҳам ҳосилнинг кўпайишига катта ёрдам берган.

1957 йилда атиги 40 — 45 процент ердаги ғўза бор-йўғи бир ярим марта кўндалангига ишланган бўлса, бу йил барча майдондаги ғўза беш марта кўндалангига, олти марта узунасига ишланган. Юсуфали Ҳайитбоев бригадаси аъзоларини бу ерда мусобақа голиблари деб таърифлашар экан. Чунки шу бригада бултур ҳар гектаридан 13 центнердан пахта топширилган ерларнинг бу йил гектарига 29,5 центнердан пахта йиғиб олибди. Бригада аъзолари ҳосилни 32 центнерданга етказиш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Колхозда Холиқберди Эгамбердиев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси тузилганлиги ва бу бригада ҳамма ишни механизация асосида олиб борганлиги шу туфайли бултурига қараганда ҳар гектар ердан 20 центнердан ортиқ ҳосил етиштирганлиги бу ердаги каттадан-кичиккинг механизацияга бўлган ихлосини янада ошириб юборибди.

Блокнотимизга йиллик планни 130 процентдан ошириб бажарган ва шу кунларда ҳам суръатни бўшаштирмай меҳнат қилаётган бригаданинг бошлиғи Ғафур Турдиқуловнинг номини ёзиб қўйдик. Бу бригада 23,5 центнердан пахта топширибди. Ваҳоланки шу ерлардан бултур 7 центнердан пахта йиғиб олинган экан.

— Ўтган йили ҳеч қандай иш қилинмаган экан-да?

— Нега, — деб ажабланди раис.

— Бултур 7 центнердан ҳосил олинган жойлардан бу йил 23 центнердан пахта йиғиб олинаётганлигини кўрган киши шундай дейди-да.

Раис саволга тушунди. У ўтган йили ҳақиқатан ҳам ер «увол» қилинганлиги, айрим кишилар меҳнатдан қочиб, колхозни ёмон аҳволга тушириб қўйганлиги тўғрисида гапириб берди ва сўзининг охирида:

— Шу йилнинг кўкламида қишлоқдаги каттадан-кичик астойдил бел боғлаб ишга киришди ва мақсадга эришди. Биз бир йилнинг ўзида қолоқликдан чиқиб, илғорлар даражасига етиб олдик. Эришилган муваффақият бизни хотиржам қилиб қўймайди, ерларимиз семиз, ҳосилни йил сайин ошириш учун курашамиз.

Илғорлар тўғрисида гап борганда Ўсар Йўлдошев, Ўзил Ўрозбоева, Қизлар Раҳматуллаева, Яхшигул Баратова, Улуғ Жўлдибоеваларнинг номи оғиздан-оғизга ўтади. Чунки улар ҳозиргача 7 тоннадан тортиб 14 тоннагача пахта териб топширишган. Ўсар Йўлдошев йигитлар ҳам чевар қизлар сингари тонна-тонналаб пахта тера олишини амалда кўрсатибди. У улуғ байрам арафасида хирмонга ропна-роса 14 тонна пахта топширибди.

Йиллик планни муваффақиятли бажариб, шу кунларда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Ильич номли колхоздан ўтиб, Мичурин номли колхозга бордик. Бу колхоз ҳам суръатни илдамлаб муваффақиятга эришганлиги тўғрисида рапорт беришга ошиқмоқда.

— 1050 гектар ернинг ҳар гектаридан 22 центнер ўрнига 25 центнердан пахта беришни мўлжаллаганмиз, — дейди колхоз раиси Турсун Каримов. — Ана шу мажбуриятни бажариш учун қишлоқдаги ҳар бир киши, бизга ёрдамга келган САГУ студентлари ёнма-ён туриб, ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Олди бригадаларимиз, масалан, Б. Дўлонов, Т. Қўйлибоев, Х. Бўронов ўртоқлар бошлиқ бригадалар йиллик планларини бажарганликларинг анча кун бўлди.

Колхоздаги механик-ҳайдовчиларнинг эришган ютуғи ғоят қувонарли. Рустам Маҳмудов, Хуррам Бўронов ва Маматов ўртоқлар 70 тоннадан пахта териб, машинада пахта терши афзал усул эканлигини яна бир марта исбот қилишлар.

ХАЛҚ БОЙЛИГИ ЕРДА ҚОЛМАСИН ДЕЯ

Райондаги «Ленинизм», Хрушчев номли колхозларда ҳам пахта терши ва тайёрлаш кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Бу колхозлар тўғрисида ва пахта далаларида фидокорона меҳнат қилаётган кишилар ҳақида гапирилганда шаҳарлик меҳнаткашлар ҳамда олий ва ўрта ўқув юртлари студентлари тўғрисида албатта гапириш керак. «Ленин йўли» ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ишлаётган САГУ студентлари тонг палласида далага чиқиб, қош қорайгунча пахта термоқдалар. Шу аза-матлар ва меҳнатсеварлар халқ бойлиги — ўзимизнинг бойлигимизнинг бир грамми ҳам ерда қолмасин деб ҳаракат қилаётирлар. САГУнинг «Ленин йўли» колхозида пахта тераётган юридик факультети студентлари кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Студентлардан Қаршиев, Соимов, Иброҳимов, Пирматов, Сисоев ва бошқалар кунига 100 килограммдан ошириб пахта термоқдалар. Ўртоқ Аъзамхўжаев бошчилик қилаётган 4 курс студентлар бригадаси теримда голиб бўлиб, факультет кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

Бўка район пахтакорлари теримда самимий ёрдамлашаётган САГУнинг география, геология ва юридик факультетларининг студентларидан айниқса миннатдордирлар.

КУЗ БЎЛДИ ЖУЖА САНОҒИДАН АДАШМАНГ...

Бўкада ўтган йилги ишлари билан ном тараттан, ҳамма вақт бошқаларни қойил қолдириб келган, аммо бу йил нима учундир оқсаб қолаётган колхозлар ҳам бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғаффор Азаматов раислик қилаётган Вильямс номли колхоз қалигача район сводкасида пастки ўринларда қолиб келаётир. Қўл кучи етарли, техникани давлатдан сотиб олган, кўпчилик қатори ёрдамчилар ишлаб турган бу колхозда нима учун суръат паст? Шу саволни раисга берсангиз, ғўзамиз кечки бўлиб қолди дейди. Ильич номли, Мичурин номли колхозларда ғўзани ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам эртаги қилиб олишибдику. Хўш, ўртоқ Азаматов раҳбарлик қилаётган колхоз нима учун ғўзани кечки қилиб қўйди. Айтишларига қараганда, бу колхозда айрим раҳбарлар «Бизда куч етарли, қачон бўлса ҳам планни бажарамиз» деган нотўғри қайфиятда юришибди. Бундан бир-бир ярим ой илгари шу колхоз раҳбарларига нега пахта топширишнинг мазаси йўқ дейилганда улар, «чавандоз от кейин чопади», «жўжани кузда санаймиз» дейишган эди. Мана, куз ўтиб бормоқда, уларнинг «яхши» оти орқада қолмоқда, жўжасининг саноғи бут эмас. Худди шундай ўринсиз мулоҳаза Барат Умаров раислик қилаётган «Ленин йўли» ва Ўртоқ Каримова раислик қилаётган Ленин номли колхозларда ҳам ҳукм сурмоқдаки, натижада районда суръатнинг жадаллашишига маълум даражада тўсқинлик қилинаётир.

Қани энди Ғаффор Азаматов, Барат Умаров, Робия Каримова ўртоқлар ҳам Ўроз Жарқинбоев, Турсун Каримов ўртоқлар сингари ташкилотчиликни яхши олиб борганларида, мағрурланиш ўрнига амалий иш қилганларида эди, бугунги кунда юқорида айтилганидек оқсаб қолмаган бўлардилар.

Вақт жуда зиқ келиб қолди. Соатлар эмас, минутлар ғанимат. Бўка колхозлари даласида ҳосил мўл. Шунинг бир қисми ҳали далада. Илғор колхозлар ҳам, пахта тайёрлашда орқада қолаётган илгариги номдор колхозлар ҳам ваъдани шараф билан адо этиш учун суръатни тобора кучайтиришлари керак.

А. ПЎЛАТ,
М. ҚОРИЕВ,
С. МАҲКАМОВ.

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ берилди

Область партия комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олишда қатнашаётган область шаҳарлари ва Тошкент шаҳар районлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 31 октябрдан 10 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент шаҳрида** (шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **Ф. Хўжаев**, шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Йўлдошев**, шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Сакиев**) қолдирилди. Тошкент шаҳри бу ўнкунликда пахта териб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятини 30,8 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент шаҳар Октябрь районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ш. Шоиқоломов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Мирхўжаев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Х. Ёқубжонова**) қолдирилди. Бу район бўйича ўтган ўнкунликда пахта териб бериш юзасидан олинган социалистик мажбурият 44,6 процент бажарилган.

Пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаётган илғор теримчиларни мукофотлаш учун Тошкент шаҳрига 4000 сўм ва Октябрь районига 3000 сўм пул ажратилди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта терши бўйича кейинги ўн кунликда Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Тошкент шаҳрининг Фрунзе ва Марказий район меҳнаткашларининг яхши ишлаганликларини қайд қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олишда область колхоз ва совхозларига актив ёрдам бераётган олий ўқув юртлари, махсус ўрта ўқув юртлари ва ўрта мактаблар коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 31 октябрдан 10 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент медицина институтига** (директори ўртоқ **Ғуломов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Капиаев**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Ризаев**) берилди. Бу институт коллективи ўтган ўн кунликда 1059,2 тонна пахта терган, ҳар бир теримчи ўрта ҳисобда 72,5 килограммдан пахта терган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Гулистон районидаги 2-мактабга** (директори ўртоқ **Ҳакимов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Бочарев**) берилди. Бу мактаб коллективи ўтган ўн кунликда 257,2 тонна пахта териб берган.

Пахта йиғим-теримида намуна кўрсатиб ишлаётган илғор студент ва ўқувчиларни мукофотлаш учун медицина институтига 3000 сўм, 2-мактабга 1500 сўм пул берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажаришда Тошкент молия-иқтисод институти, алоқа институти, Тошкент политехника институти, алоқа техникуми, темир йўл техникуми, коммунал-қурилиш техникуми, Чирчиқ шаҳар медицина мактаби, Бекобод шаҳридаги 1-ҳунар мактаби, Олмалиқ шаҳридаги 7-қурилиш мактаби, Тошкент шаҳридаги 4 ва 5-қурилиш мактаби ҳамда 2-темир йўл мактаби, Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» мактаби, Куйи Чирчиқ районидаги Калинин номли мактаб, Олмалиқ шаҳридаги Ленин номли мактаб, Тошкент шаҳар Ленин районидаги 94 ва 38-мактаблар ҳамда Куйбишев районидаги 112 ва 113-мактаблар коллективларининг яхши ишлаганликларини қайд қилдилар.

Ильич номли колхознинг илғор кишилари. Суратда (чапдан ўнга): колхоз раиси Ўрозбой Жарқинбоев, бригада бошлиқлари Ғафур Турдиқулов, Юсуфали Ҳайитбоев ўртоқлар.

О. Косиев фотолари.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш давлат планини бажарганликлари учун қуйидагилар область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Колхозлар ва бригадалар	Планнинг бажарилиши (процент ҳисобида)	Қўшимча олган мажбурияти (тонна ҳисобида)
1. Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхози 4-бўлимининг ўртоқ **Ж. Бердалиев** бошлиқ бригадаси	105,8	40
2. Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхози 4-бўлимининг ўртоқ **А. Жўраев** бошлиқ бригадаси	104,5	35
3. Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхози 4-бўлимининг ўртоқ **И. Шарипов** бошлиқ бригадаси	118,1	45

Пойтахтимиз меҳмонлари

«ВЕНГРИЯ МЕЛОДИЯСИ»

Қардош Венгрия Халқ Республикасидан келган бир группа санъаткорлар — Венгрия эстрада ансамбли пойтахтимизда бир неча кун меҳмон бўлиб, Тошкент меҳнаткашларига ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Меҳмонлар томонидан тамошабинларга тақдим қилинган «Венгрия мелодияси» кўпчиликка жуда манзур бўлди. Хилма-хил номерлардан иборат катта концерт программаси пойтахт меҳнаткашларини венгер халқи санъати билан яқиндан таништирди. Э. Грингаус, И. Бундзика, Э. Чури, эстрада артистларининг Бутуниттифоқ конкурси лауреати Ф. Неймети ва дипломант И. Кереши каби санъаткорлар ижросидаги турли ёқимли ария, қўшиқ ва куйлар тамошабинларда катта таассурот қолдирди. «Венгрия мелодияси»нинг ижрочилари Тошкентда концерт бериш билан бирга, областимизнинг айрим районларида ҳам бўлиб, пахтакорларга маданий хизмат қилдилар. Улар шу кунларда Ховос районида меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Шундан сўнг венгриялик меҳмонлар Самарқандга жўнаб кетадилар.

ТАЛАНТЛИ ПИАНИНОЧИ

Франциянинг машҳур ва талантли пианиночиси Моника Аз гастроли муваффақият билан давом этмоқда. Моника Тошкентга келгандан буён унинг иштирокида Свердлов номли концерт залида бир неча концерт берилди.

Моника Аз ўзининг пианино чалиш маҳорати билан Франциядагина эмас, балки кўпгина бошқа мамлакат халқларига ҳам яқиндан танишдир. У Париж консерваториясида Лазар Леви класси бўйича биринчи мукофотни олган эди. Шундан сўнг Моника бутун Европа бўйлаб гастролда юради. Франция, Англия, Голландия, Швейцария, Чехословакия, Польша ва Венгрия каби давлатларнинг энг яхши оркестрлари жўрлигида концертлар беради. Скандинавия мамлакатлари ва Австрияда ҳам тингловчиларнинг ҳурмат ва севгисини қозонади. У бир қанча халқаро фестивалларнинг қатнашчисидир. 1954 йилда Моника Азга энг яхши пластинка ёзувчи учун катта мукофот берилган. Бу талантли пианиночи 1936 йилда Совет Иттифоқига биринчи марта гастролга келган эди. Мамлакатимизда унинг концертлари катта муваффақият қозонган.

Нозик қўллар билан қилинаётган чаққон ҳаракатлар туфайли пианинодан чиқаётган ёқимли куй садоси катта зал бўйлаб оқар экан, ҳамманинг нигоҳи саҳнада. Тингловчилар бу қувноқ қизнинг пианинони ғоят моҳирлик билан чалишига жуда қойил қолдилар. У ўз санъати билан тамошабинларга ғоят манзур бўлди.

СТЕФАНИЯ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Польша Халқ Республикасининг атоқли ашулачиси, ўзининг ёқимли овози билан куп давлат халқларига танилган Стефания Войтович яқинда Тошкентга гастролга келади. У СССР бўйлаб қиладиган гастролида Москва, Минск, Олмаота ва Тошкент меҳнаткашларига ўз санъатини намойиш қилади.

Стефания Войтовичнинг овози ғоят ёқимлидир. У Бах, Моцарт, Бетховен, Дворжак, Римский-Корсаков, Чайковский, Шуман, Рахманинов ва бошқа машҳур композиторлар асарларини зўр маҳорат билан ижро этади. Шунинг учун ҳам у И. С. Бах номли конкурсда биринчи мукофотни олишга муваффақ бўлган. Бундан ташқари унга 1954 йилда Прагада ўтказилган ашулачиларнинг халқаро конкурсида биринчи мукофот берилган. Стефаниянинг Чехословакия, Хитой, Мўғулистон, Австрия, Бельгия ва СССРдаги гастроллари ғоят муваффақиятли ўтган эди. Жамоатчилик унинг ашулачилик талантига жуда юксак баҳо берган.

Стефания Войтович 17 ва 18 ноябрда Свердлов номли концерт залида ўзининг ёқимли овози билан пойтахт тамошабинларини мамнун қилади.

Н. НАСИМОВ.

Суратда: франциялик машҳур пианиночи Моника Аз концерт бермоқда.

Афғон санъаткорлари билан учрашув

Суратда: Афғонистон халқ хофизи Хаёл раҳбарлигидаги афғон санъат усталарининг чиқиши. А. Палехов фотолари.

Свердлов номли концерт зали яна пойтахт меҳнаткашлари билан лиқ тўлди. Бу сафар улар қўшнимиз, дўстимиз Афғонистон мамлакатининг санъатидан завқ-шавқ, ҳузур ва лаззат олиш учун тўпланган эдилар. Тамошабинларнинг кўпчилиги атоқли афғон қўшиқчиси, созандаси, шоири оғоғ Хаёлнинг санъати билан икки йилча бурун танишган, унинг ашулаларини эса ўзбек, тожик ижрочилари оғзидан эшитиб, завқланиб келардилар. Бу сафар севимли санъаткор Хаёл ўзининг ўн бир ҳамкасби билан бирга келган.

Концерт Хаёл раҳбарлигидаги афғон халқ чолғу асбоблари оркестрининг чиқиши билан бошланади. Икки афғон рубоби, оригинад миллий тамбур, дилрубоб, табла ва Ҳиндистон, Покистон, Афғонистонда кенг тарқалган, бизнинг гармонимизни эслатадиган армуния деган чолғу асбоблари моҳир созандалар амрига бўйсуниб, ёқимли, майин куйлар билан янграб кетди. Бирин-кетин афғон халқ куйлари, ашулалари, Хаёл, Бенаво, Бишно каби шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янграйди. Ҳар бир номернинг охирги садолари гулдурос қарсақларга кўмилиб кетади.

Шўхчанг, серҳаракат, ёқимли овоз эгаси бўлган Шермуҳаммад Ғазнавий «Шои цари», «Зори, зори жононе» деган лирик қўшиқлардан кейин яна «Масти нози Лайло» деган ишқий ашулани айтади. Ундан олдин чиқиб қўшиқлар айтган оғоғ Аввалмир ҳам «Ифтихори ошиқ» қўшиғига «Ишқингда шайдо бўлдим» ашуласини пайванд қилиб тамошабинлар олқишига сазовор бўлганди.

Афғон ашулачиларининг устоди, мамлакатнинг машҳур хофизи Исмоил Чоркорий ижросидаги «Мурғи дилакам», «Фархори» каби халқ қўшиқлари ҳам ўзбек тамошабинларига манзур бўлади.

Концертнинг биринчи бўлими тугаши биланоқ саҳнага Ўзбек Давлат филармониясининг вакиллари гуллар кўтариб чиқиб, афғонистонлик санъаткорларни табриклайдилар.

Концертнинг иккинчи бўлими ҳам катта муваффақият билан ўтди. Бунда истеъдодли санъаткор Армон «Ай, дили бирён» деган афғон қўшиғини, тожикча «Лайло», Навоий ғазали билан айтиладиган «Гулистонимни» деган ўзбек халқ ашулаларини айтиб берди.

Ёш ашулачи, Афғонистоннинг машҳур хофизи Абдужалил Золанд «Сим бадан», «Севгилим, кел», «Яна мендан хафа бўлди» деган афғонча лирик ашулаларни усталик билан ижро этиб, тамошабинларга манзур қилолди. У давомли қарсакларга жавобан тожикча «Жўражонам» қўшиғини айтиб берди.

Тамошабинлар машҳур талантли қўшиқчи Хаёлни самимий кутиб олдилар. Хаёл кетма-кет «Дилбарам дилбар», «Шўхи жафокор», «Гули хандонам» каби қўшиқларини айтиб олқишларга кўмилди.

Афғонистон артистларининг концерти икки халқ ўртасидаги дўстона, маданий алоқаларнинг тантанасига айланди.

Афғонистон санъаткорлари концерти пойтахт меҳнаткашларини мамнун қилди.

М. ЯҲЕЕВ.

Молия-иқтисод институти топшириқни бажарди

Молия-иқтисод институтининг студентлари, ўқитувчилар коллективи Оққўрғон колхозлари пахта далаларида меҳнат қилиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Яқинда газетамизда шу институт коллективининг Тошкент шаҳридаги барча олий ва махсус ўрта ўқув юртлари студентлари, ўқувчиларига ёзган очиқ хати эълон қилинган эди. Бу хатда институт коллективи мавсумда 1000 тонна пахта териш юзасидан олинган топшириқни 7 ноябрга бажаришга сўз берган эди.

Кеча редакциямизга хушхабар келди. Институт студентлари, ўқитувчилар коллективи фидокорона меҳнат қилиб, ўз сўзларининг устидан чиққанлар. Колхозларнинг 1000 тонна пахтасини терганликлари тўғрисида қувонч билан рапорт бердилар. Студентлар обҳаво шароити ноқулай келган кунларда ҳам теримда бошқаларга ўрнак бўлиб меҳнат қилдилар. Ноябрнинг биринчи ўн кунлигида ҳар бир студент ўрта ҳисобда кунига 61 килограммдан пахта терибди.

— Коллективимиз бу эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун курашади, — дейди институт директори Ўртоқ М. Қориев, — биз пахтакорларга бундан буён ҳам янада самарали ёрдам бериш учун курашамиз. Мавсум охирига қадар яна қўшимча равишда 300 тонна пахта териб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажариш учун барча чораларни амалга оширамиз.

Шу кунларда Оққўрғон район колхозлари далаларида қизғин иш бормоқда. Студентлар пахтакорлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача нобуд қилмай йиғиб-териб олишда пахтакорларга астойдил ёрдам бераётирлар.

СССР ЖАМОАТ АРБОБЛАРИДАН БИР ГРУППАСИНИНГ БАЁНОТИ

Совет Иттифоқининг кўзга кўринган жамоат арбобларидан ўттиз иккки киши баёнот эълон қилди. Улар бу баёнотда турли мамлакатлар жамоат арбобларининг Женева кенгаши қатнашчиларига қилган мурожаатларида ядро синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан изҳор қилган фикрларига қўшиладилар. Ана шу мурожаат яқинда «Нью-Йорк таймс» газетасида босилган эди.

Баёнотга кўл қўйган СССР жамоат арбоблари орасида Фанлар академиясининг президенти А. Несмиянов, ёзувчилардан М. Шолохов, Н. Тихонов, А. Сурков, композитор Д. Шостакович, академиклардан И. Курчатов, А. Туполев, В. Амбарцумян, Крутица ва Коломна митрополити Николай бор. СССР жамоат арбоблари, бу мурожаат АҚШ, СССР ва Англия «Женева кенгашининг оқибати учун жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари ғоят ташвишланаётганликларини акс эттиради» дейдилар.

Баёнотнинг авторлари таъкидлаб айтадиларки, барча мамлакатлардаги ҳамма тинчлик дўстлари каби совет халқи ҳам ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида бир битимга келишни қатъий ва узил-кесил талаб этмоқда. Совет кишилари умид билдириб айтадиларки, АҚШ ва Англия вакиллари кенгашда халқларнинг талабларига қулоқ соладилар, чунки «ядро синовларини абадий тўхтатиш тўғрисида битим тузиш эндиликда АҚШ ва Англия ҳукуматларигагина боғлиқ эканлиги ҳаммага аёндир».

Совет жамоат арбоблари баёнотининг охирида бундай дейилади: «Женева руҳи, халқларнинг катта умидларини рўёбга чиқариш руҳи, тинчлик иши тантанаси руҳи бу сафар янги куч билан жаранглаб эшитилсин». (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СОВҒАСИ

СОФИЯ, 12 ноябрь. (ТАСС). СССРнинг Болгариядаги элчиси Ю. К. Приходов бугун КПСС Марказий Комитетининг Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетига совғаси — «Владимир Ильич Ленин» номли ҳужжатли фильмни Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живковга топширди.

Фильмни топшириш вақтида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Димитр Ганев, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Боян Билгаранов, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретарлари Митко Григоров ва Станко Тодоровлар ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Тодор Живков ана шу совға учун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига самимий ташаккур изҳор қилди. Бу совға ҳар бир болгар коммунист учун ва Болгариянинг ҳар бир меҳнаткаши учун азиздир.

ҚУҚҚИСДАН ҲУЖУМНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ МАСАЛАСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИДА

ЖЕНЕВА, 12 ноябрь. (ТАСС). Бугун қўққисдан ҳужумнинг олдини олиш тадбирлари масаласи билан шуғулланувчи экспертлар кенгашининг иккинчи ёпиқ мажлиси бўлди. Мажлисда СССР вакили В. В. Кузнецов раислик қилди. Мажлисдан кейин ахборот эълон қилинди. Ахборотда бундай дейилади: кенгаш қатнашчилари кенгашнинг иш программасини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Мажлисда Чехословакия, Албания ва СССР вакиллари сўзга чиқдилар. Ғарб давлатлари делегациялари номидан АҚШ вакили гапирди.

Галдаги мажлис 13 ноябрга белгиланди.

Варшава меҳнаткашларининг митинги

ВАРШАВА, 12 ноябрь. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг тўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлган делегацияси қайтиб келганлиги муносабати билан бугун Фан ва маданият саройида митинг бўлди.

Саройнинг конгресслар ўтказиладиган жуда катта зали одамлар билан лиқ тўла эди. Саноат корхоналарининг илғорлари, фан, маданият ва санъат арбоблари, Польша-Совет дўстлиги жамиятининг активлари, партия ходимлари ва жамоат арбоблари бу ерга тўпландилар.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси А. Завадский, Министрлар Советининг раиси Ю. Циранкевич, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарлари, Давлат кенгаши ва ҳукумат аъзолари, Бирлашган деҳқонлар партияси ва Демократик партиянинг раҳбар арбоблари, СССРнинг Польшадаги элчиси П. А. Абрасимов президиумдан жой олдилар.

Митингни Варшава халқ кенгаши президиумининг раиси З. Дворяковский очди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ В. Гомулка Польша Халқ Республикаси делегациясининг Совет Иттифоқига тўстлик визити билан қилган сафарининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи айтдики, Польша Халқ Республикаси делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити поляк ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлади. Совет кишилари билан бўлган ва бузилмас дўстликнинг қудратли намойишига айланган учрашувлар совет халқининг поляк халқига нисбатан қардошлик туйғуларини ифода этди. Поляк халқининг вакилларини, деди у, совет халқи билан мақсаднинг бирлиги ва ўзаро ҳурмат жипслаштираётир. Совет халқи уларни самимий кутиб олди.

Совет раҳбарлари билан учрашув вақтида, деди В. Гомулка, ҳар иккала мамлакат олдида турган асосий проблемалар, шунингдек энг муҳим халқаро масалалар муҳокама қилинди. Ана шу масалаларнинг ҳаммасини муҳокама қилиш ҳар иккала томон қарашларининг тамомила бирлиги билан характерланди. Польша Совет Иттифоқи билан, бутун социализм лагери билан биргаликда дунёда тинчлик учун курашаётган барча кучларни бундан бўён ҳам мустаҳкамлайди ва қўллаб-қувватлайди, Польша Халқ Республикасининг ва барча социалистик мамлакатларнинг хавфсизлиги негизи бўлган Варшава шартномасини мустаҳкамлайди.

Сўнгра Ўртоқ Гомулка таъкидлаб айтдики, агрессив империалист доираларнинг Польша тупроғига қиладиган ҳар қандай ҳужуми Европада ва бутун дунёда тинчликни бузиш бўлади. Совет Иттифоқи, деди у, ғарбий герман империализми ва реваншизми тиклanаётган бир пайтда Польша давлатининг мустақиллигини таъминловчи мустаҳкам гарантиядир. Поляк халқи ана шу дўстликни ва Совет Иттифоқининг қўллаб-қувватлашини зўр миннатдорчилик ва самимият билан қабул қилади.

Сўнгра докладчи халқаро ишчи ҳаракати масалаларига тўхталиб, бундай деди: Ҳаёт марксизм-ленинизм назариясининг тўғри назария эканлигини тамомила тасдиқлайди ва ҳозирги замон ревизионизмининг сохталигини рад этади. Ҳозирги замон ревизионизми ишчи ҳаракатидаги асосий хавф бўлиб, буржуазия идеологияси олдида юзга никоб тортиб таслим бўлишдан бошқа бир нарса эмас.

Ўртоқ Гомулка Совет давлатининг раҳбарлари халқ Польшасига техника ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги Польша таклифларини зўр эътибор ва яхши ният билан қабул қилганликлари учун уларга қизғин ташаккур изҳор қилди.

Ўртоқ Гомулка совет экономикасининг барча соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришилганлиги тўғрисида батафсил гапирди. Совет экономикаси, деди у, асосий капиталистик мамлакат бўлмиш АҚШ билан тинч мусобақада тез суръатлар билан ғалаба сари бормоқда.

Ўртоқ Гомулка айтдики, совет халқи ўз раҳбарларига чексиз ишонади, коммунизм идеяларига, ўзининг порлоқ истиқболига ишонади.

Ўртоқ Гомулка поляк халқига ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг самимий саломини топшириб ва Совет ҳукуматининг бошлиғи халқ Польшасига таклиф этилганлигини билдирди. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар бу сўзларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Гомулка сўзининг охирида поляк ва совет халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстлик шарафига табрик хитоблари айтади.

ВДР ҳукуматининг баёноти

ХАНОЙ, 12 ноябрь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги бугун баёнот эълон қилди. Министрлик бу баёнотида Хитой Халқ Республикасининг хитой халқ кўнгиллиларини Кореядан олиб чиқиб кетиш соҳасидаги ташаббусини табриклайди. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, дейилади баёнотда, хитой кўнгиллиларини Кореядан олиб чиқиб кетиш муҳим воқеадир, бу тадбир Узоқ Шарқда ва бутун дунёда кескинликни юмшатишга ёрдам беради, Корея проблемасини тинч ҳал этиш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиради, деб ҳисоблайди.

Хитой Халқ Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси тинчлик йўлида шундай ташаббус кўрсатган бир пайтда америкаликлар ўз қўшинларини Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетишга рози бўлиш ўёқда турсин, балки янги қурол-яроғларни ҳамма Жанубий Кореяга келтирмоқдалар, Жанубий Кореяда ракета қуроли базаларини вужудга келтирмоқдалар. Америкаликлар Жанубий Кореяни атом қуроли базасига айлантирмоқдалар ва бу билан Кореяда кескинлик, Узоқ Шарқда тинчликка хавф туғдирмоқдалар.

Баёнот Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг мамлакатни чет кучларнинг аралашувисиз тинч бирлаштириш проблемасини ҳал этишда корейс халқига имкон бериш учун Америка қўшинлари ва бошқа чет эл қўшинларини Жанубий Кореядан дарҳол олиб чиқиб кетиш тўғрисида шу йил 28 октябрда қилган талабини тамомила қўллаб-қувватлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Сиёсий комитетининг Корея проблемасини муҳокама қилишда қатнашиш учун Корея Халқ Демократик Республикаси вакилини чақириш ҳақида совет делегацияси резолюциясини қабул қилишдан бош тортганлиги баёнотда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави қоидаларини бузиш деб қаралади. Бу қарор, дейилади баёнотда, корейс халқининг манфаатларига ҳилофдир. Корея проблемаси юзасидан Корея Халқ Демократик Республикаси вакилининг иштирокисиз қабул қилинадиган ҳар қандай резолюция қонуний кучга эга бўлмайди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бўстонлиқ	76,35	0,40
Куйи Чирчиқ	73,23	0,54
Боёвут	72,16	0,69
Пискент	71,22	1,19
Бўка	68,50	0,89
Бекобод	68,14	0,56
Оққўрғон	65,57	0,64
Верхне-волинск	64,91	0,62
Мирзачўл	62,99	0,86
Юқори Чирчиқ	62,74	0,93
Гулистон	62,73	0,99
Урта Чирчиқ	62,28	0,80
Чиноз	60,74	0,43
Октябрь	60,33	0,53
Ўртасарой	59,96	0,81
Сирдарё	58,32	0,86
Оржоникидзе	57,16	0,43
Янгийўл	52,65	0,60
Оҳангарон	37,35	0,61
Калинин	34,16	0,55

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
6-«Кўқорол»	111,25	1,75
«Вревский»	109,34	2,68
«Социализм»	75,95	0,48
«Пискент»	75,84	0,90
3-«Боёвут»	71,97	1,01
1-«Далварзин»	71,83	0,45
«Мирзачўл»	71, 14	0,58
1-«Боёвут»	68,94	0,54
2-«Далварзин»	68,65	0,60
«Оққўрғон»	67,61	0,79
Киров номли	66,90	0,98
1-«Фарҳод»	66,00	0,61
«Гулистон»	63,17	0,45
«Чаноқ»	62,96	0,66
«ЎзССР беш йиллиги»	61,96	0,49
4-«Боёвут»	61,71	0,25
«Дружба»	59,21	0,38
«Малик»	48,33	0,67
Тошкент наслчилик совхози	45,30	0,40
«Бушуев»	43,20	0,40
1-«Оҳангарон»	42,67	0,67
2-«Оҳангарон»	30,71	0,71

ФУТБОЛ

Тошкентликларнинг иккинчи ғалабаси

Финляндиянинг 1958 йилги кубогини олган «Коткан Тюевянен Палойлият» деб аталган кучли футбол командасининг «Меҳнат резервлари» командаси билан учрашуви ҳаммада катта қизиқиш уйғотди.

Меҳмонлар дастлабки минутларданоқ актив ҳужумга ўтадилар. Лекин бу ҳолат узоққа чўзилмайди. Тошкентликлар чиройлик комбинациялар қилиб рақиблар дарвозасини кетма-кет тўпга тутадилар. Меҳмонларнинг дарвозабони фидокорона ўйнаб бир неча тўпни ушлаб қолади.

Иккинчи таймда кураш қизғин тус олди. Меҳмонлар ҳужумчиси Итконен тоҳкентликларнинг бир лаҳзалик пароканда лигидан фойдаланиб, ҳимоячиларсиз колган дарвозага тўпни киритади. Лекин «Меҳнат резервлари» футболчилари саросимага тушмай, ўзларини ўнглаб оладилар. Ҳужумлардан бири муваффақиятли якунланади. Бундан руҳланган тошкентликлар янада активлашадилар. Бир неча дақиқалик шиддатли кураш яна тошкентликларнинг фойдаси билан якунланади. Улар 3:1 ҳисоби билан ғалаба қозонадилар.

Самогон пиширувчиларга қарши кескин курашайлик

Тошкент область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси СССР Олий Совети Президиумининг «Самогон пиширувчиларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 1948 йил 7 апрелда чиқарган Фарманига мувофиқ самогон пиширишга ва шу ишчилик билан савдо қилувчи шахсларга қарши кураш юзасидан зарур тадбирларни кўрмоқда.

Ички ишлар бошқармаси ходимлари самогон пиширишга ва шу ишлар билан шуғулланувчилар областининг Қорасув, Октябрь, Мирзачўл ва Янгийўл районларида айниқса кўп эканлигини фош этдилар.

Октябрь район территориясида яшовчилардан 7 киши жиноий жавобгарликка тортилди. Масалан, С. Батанов уйидан 70 литр, П. Кучма уйидан 45 литр, З. Очкинас уйидан 49 литр самогон топилган.

Қорасув райони территориясида яшаб, самогон пиширувчи 15 киши ҳам жиноий жавобгарликка тортилди. Бу шахсларнинг уйидан 300 литр самогон ва 10 та самогон аппарати топилган. Социалистик ҳаётимизнинг яшаш қоидаларини бузувчи бундай шахсларга қарши кенг жамоатчилик курашини авж олдириб юбориш зарур.

Телевизор экранида

14 НОЯБРДА

19.30. Ўзбек тилида адабий эшиттириш: пахтакорлар ҳақида шеърлар.

19.50. Сўнгги ахборот.

20.05. Киножурнал.

20.15. Рус тилида «КПСС XXI съезди олдидан» деган эшиттириш.

20.30. «Музикали кечалар» деган циклда ўзбек тилида эшиттириш.

21.00. Бадиий фильм — Пальмазор қўшиғи».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XI да **Улуғбек**, 16/XI да **Дилором**. Дирижёр — СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 15 ва 16/XI да кеч соат 8 яримда **Хоразм ашула, музика ва рақс ансамблининг концерти**. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 50 лилипут артист иштирокида **«Чалкаш саҳифалар»** атракционининг давоми. Кеч соат 8 да бошланади.

НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — **Машаққатли бахт.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Киевлик қиз**, кундуз соат 4 да: 1) **Пе-коптер** (Печь устига), 2) **Айб отда эмас.**

„Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам" бюллетенига ОБУНА БЎЛИНГИЗ!

Тошкентда, Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг рус ва ўзбек тилларида икки ойда бир марта чиқадиган **«Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам»** номли бюллетени нашр этилади.

Бюллетенда газета ва журналларнинг тематик обзорлари, редакциялар, деворий газета редколлегиялари, полиграфия корхоналари, нашриёт, радио ва телевидениенинг иш тажрибаси босилади, республикадаги энг яхши журналистлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳақида очерклар берилади.

Бюллетенда: «Ўзбекистон матбуоти пахтачиликни янада юксалтириш учун курашда», «Журналист минбари», «Газетхонлар газеталар ҳақида», «Консультация», «Фоторепортаж», «Журналистлар тайёрлаш ва тарбиялаш», «Сатира ва юмор» деган ва бошқа бўлимлар бўлади.

«Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» бюллетени республика, область, шаҳар, район, кўп тиражли ва деворий газета ходимларининг кенг доирасига мўлжалланган.

Обуна баҳоси: бир йилга — 3 сўм, айрим сони — 50 тийин.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, ҳамма жамоатчи вакиллар томонидан, шунингдек алоқа конторалари ва бўлимларида қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими 136, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135 Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132, Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими — 38142.